

Аҳолининг нақд пулга бўлган эҳтиёжини қондириш муаммолари, уларни бартараф этиш йўлари ва истиқболлари

**Термиз давлат университети
Иқтисодиёт кафедраси ўқитувчиси
Гадоев Сўҳроб Жумақулович**

Иқтисодий назарияда кўрсатилганидек, натурал ишлаб чиқаришдан товар ишлаб чиқариш жараёнига ўтилган. Бу жараёнинг келиб чиқиш сабаблари авваламбор инсоннинг яхши яшашга интилиши, кундан кунга эҳтиёжларининг ортиб бориши ва ушбу эҳтиёжларни қондиришдан келиб чиққан.

Товар ишлаб чиқариш жараёнида бирламчи ҳар бир соҳанинг ихтисослашуви юзага келган ва ишлаб чиқарилаётган товарлар талаб даражасини қондиришга ҳаракат қилиб келган. Ҳар бир ривожланишнинг муаммолари бўлганидек, натурал ишлаб чиқаришдан товар ишлаб чиқариш жараёнига ўтишда ҳам муаммо юзага келди. Бу товарларни бир бири билан айрибошловчи иқтисодий жараённи юзага келтирувчи пул муаммоси эди. Тарихдан маълумки, пул, товар ва уни айрибошлаш қадимдан амалга пайдо бўлган жараёндир ва бу жараён бугунги кунгача давом этиб келмоқда.

Товар айрибошлашнинг бирламчи омили пулнинг иштирокидир. Ҳозирги кунда ривожланган иқтисодиётда товар айрибошлаш нақд пул йули билан ва нақд пулсиз яъни пул ўтказиш йуллари билан амалга оширилиб келинмоқда. Гарчи нақд пулсиз йули билан амалга ошириладиган товар айрибошлашнинг энг асосий қисмини қисмини ташкил этса ҳам, нақд пул билан товар (иш, хизмат) ларни айрибошлаш ва сотиш муҳим омил бўлиб келмоқда. Бу омилни ҳаракатга келтириш учун албатта нақд пулнинг етарли даражада таъминланганлигини талаб этади.

Давлат иқтисодиётни тартибга солиш учун ишлаб чиқарилган товар (иш, хизмат)лар миқдорида мутаносиб равишда пул эмиссиясини амалга оширади. Бу дегани товар (иш, хизмат)лар айрибошлаш жараёнида нақд пулга бўлган эҳтиёж тўла қондирилади дегани. Аммо иқтисодиёт тизимининг айрим цикли давомийлигини таъминланмаганлиги учун нақд пулга бўлган эҳтиёж тўла қондирилмаётганлиги юзага келмоқда. Бу муаммони давлат томонидан нақд пулни эмиссияси билан амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлмайди, чунки пул, товар (иш, хизмат) лар ўртасида номувофиқлик юзага келади. Бу инфляция дегани.

Бу муаммони аҳоли ўртасида қандай ҳал этиш мумкин?

Нақд пулни тижорат банкларидан ташқари айланишини олдини олиш ва бартараф этиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасинининг ва Президентимизнинг қарор ва фармонлари чиқарилаган ва ҳаётга тарғиб этиб келмоқда. Қарор ва фармонлар албатта аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш, эҳтиёжларини қондириш учун чиқарилади ва буни ҳаётга тарғиб этиш нафақат ҳуқуқ ва тарғибот органларининг вазифаси бу тўғридан тўғри ҳар бир фуқаронинг фуқаролик бурчидир. Масалан, ҳар бир савдо масканида, умумий овқатлани жойларида касса аппаратлари орқали савдо амалиётларини амалга ошириш қонунга мувофиқдир. Аммо бу ҳолатни жиддий қабул қилмаймиз. Нақд пулда савдо қилганимизда савдо чекини талаб қилишимиз бизга эриш туюлади. Бу ҳолат билан иқтисодиётга катта зарар етказётганлигимизни билишимиз зарур. Савдо қилиш

жараёнида бир оддий ҳол бўлиб кўринган , касса чекини талаб қилиб олишимиз қанчалик муҳимлигини тушуниб етишимиз керак.

Биринчидан, биз сотиб олган товарни айнан кайердан олганлигимиз ҳақида асосий ҳужжат ҳисобланади.Товарда нуқсон бўлганида ёки товар белгисида кўрсатилган муддатни ўтамаса (асоссиз бузилса) ҳамда истеъмол қилиш жараёнида истеъмолчи соғлигига ёмон таъсир этганида , жисмоний ва маънавий кўрилган зарарни қоплаш имкони юзага келади.Истеъмолчининг ҳуқуқини ҳимоя қилувчи асосий далилни қўлга киритамиз.

Иккинчидан,нақд пул айланиш циклини мунтазам амалга оширилиш жараёнини таъминлаймиз, яъни кейинги даврда нақд пул билан товар (иш,хизмат)ларнинг ҳақини тўлаш имкониятини кафолатлаймиз.Банкдан иш ҳақи ва унга тенглаштириган туловларнинг маълум қисмини (эҳтиёжимизга қараб) нақд пулда олишимизда ҳеч қандай муаммо юзага келмайди.

Учинчидан, бу ҳолат товар (иш,хизмат)лар сотувчиларни банклар орқали савдо амалиётларини амалга оширишга “мажбур”этамиз.Бу эса хўжалик юритувчи субъектларнинг солиқларни ёшириш ҳолларига нуқта қўйишимиз ва ўз мажбуриятларини бажаришда бош тортишларининг олдини олган бўламиз ва ҳоказо.

Солиқ ва йиғимла давлат бюджетининг 70 фоиздан кўпроғини ташкил этишини биламиз.Бу орқали давлат бюджетини амалга оширишда ҳар биримиз масъуллигимиз намоён бўлади.Давлатнинг иқтисодий салоҳияти қанчалик юқори бўлса , шунчалик аҳолининг ижтимоий – иқтисодий турмуш даражаси шунча ўсиб бораверади.

Хулоса қилиб айтганда , Президентимиз Ислон Абдуғаниевич Каримов томонидан амалга оширилаётган ҳар бир ислохотлар аҳолимизнинг яхши яшаши, фаровон тушмуш шароитини яратиш учун қилинаётган сай ҳаракатларни ҳар биримиз қўллаб қувватлаб уни амалга ошириб боришимиз лозим.

Юртбошимиз таъбири билан айтганларидек, “Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва ҳеч кимдан кам бўлмаймиз”деган сўзларини амалга ошириш учун , энг оддий кўринган лекин ҳам иқтисодий-ижтимоий ва маънавий салбий оқибатларга олиб келувчи жараён иштирочилари бўлмаслигимиз лозим, аксинча бир ёқадан бош чиқариб инсон турмуш даражасини ошириш учун амалга оширилаётган ишларни , уларнинг маънавий - маърифий баркамолликка эришишда , қолаверса иқтисодиётимизнинг барқарор ўсишида ҳар биримиз ўз ҳиссамизни қўшишимиз лозим.